



Умар Шайх Мирзонинг (1456—1494) кизи, Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг опаси. У 1478 йилда Андижонда тугилган. Унинг онаси—Кутлуг Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг кизи эди.

Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зехнли ва акл-заковат сохибаси бўлган. Хонзода бегим айна балогат ёшига етганда отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йикилиб, оламдан ўтади. Ота тахтига ўтирган 12 ёшли Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг қисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода бобокалони Амир Темур тахтини эгаллаш хаваси уйғониб, Самаркандга бир неча харбий юришлар қилади. Нихоят, 1501 йили Самаркандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Аммо кўп ўтмай Шайбонийхон кўшин тортиб келиб, Самаркандни камал қилади. Камал кўпга чўзилиб, шаҳарда дахшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланиб, ҳатто камални ёриб чиқиб кетиш имкониятига қодир бўлмай қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилади. Кейинчалик ана шу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машҳур «Воқеанома» («Бобурнома») асарида қуйидагича тасвирлайди: «Бу маҳалда Шайбонийхон сулҳ сўзини арога солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким кулок солар эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик қўғалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чиқканда Шайбонийхоннинг илкига тушди».

Аммо бу воқеа аслида бошқачарок бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо

шунга розилик берса, у холда ўз харамини Самарканддан саломат олиб чикиб кетишига имконият яратиб беражагини айтган.

Бу воқеани Бобур Мирзонинг кизи — Гулбадан бегим, ўзининг «Хумоюннома» номли асарида қуйидагича тасвирлайди: «Ана шундай вақтда Шоҳибек (Шайбонийхон)хон «агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва хамжихатлик алоқалари ўрнатилади»,— деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди». Гулбадан бегимнинг бу фикрини «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи— Хайдар Мирзо ҳам тасдиқлаб, «унинг қаршилиқ кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, ўз эгачиси Хонзода бегимни унга хотинликка берди»,— деб ёзади.

Шундай қилиб, Хонзода бегим Шайбонийхон никоҳига қиради ва ундан бир ўғил кўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар,

Шайбонийхон қатлидан сўнг Хонзода бегим укаси Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг саройи — Қобулга қайтиб келади. Қўп ўтмай ўғли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идроқлиги ва тадбиркорлиги натижаси ўлароқ, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзода бегим Бобуршоҳ ва унинг тахт вориси Хумоюн шох саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

1544 йили Хонзода бегим Қобулхак деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хоқини Қобулга келтириб, Бобуршоҳ макбарасига дафн қиладилар.

Тургун Файзиев